



**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ  
ИНСТИТУТИ  
ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ**

**НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ  
НАМАНГАНСКОГО ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО  
ИНСТИТУТА**

**SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL  
OF NAMANGAN ENGINEERING INSTITUTE  
OF TECHNOLOGY**



Ғұза қатор ораларига кузги буғдой экиш учун тор ариқчалар хосил қилиш конунияти.	
Ж.Мухамедов, А.Қосимов, З.Юсуфхонов.....	64
Влияние формы лобовой поверхности стойки рабочих органов на её забиваемость растительными остатками	
А.Насритдинов, К.Баннаев.....	74
Тупроқдаги сувўтларнинг тарқалиши, биологик хусусиятлари	
А.Хусanova, З.Ваққосов.....	77
Ландшафтларнинг бикирлигини таъминлашда табиий ёки табиий- антропоген муҳитни мақбуллаштириш чоралари	
А.Хожиматов, Б.Аманов, М.Халматов.....	81
Буғдой дони таркибини уннинг сифатига таъсири	
А.Хусanova, В.Шукurova.....	84

## **КИМЁ - МАТБАА САНОАТИ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Маҳаллий хом ашё асосида олинган сорбентларни ўсимлик мойида (пахта мойи) кўланилиши	
А.Розиқова, С.Собиров, Ф.Хошимов, О.Эргашев.....	90
Иссиқликка чидамли полиэтилен материалларидан тайёрланган “труба ичида труба” қурилмасини асосий физикаий-механик хусусиятлари	
Х.Қаноатов, Н.Қурбанов, М.Мамажанова, О.Мадалиева .....	93

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР**

Фарғона водийсида миллий ва халқаро туризмнинг ривожлантириш истиқболлари	
О.Казаков, Ғ.Мадияров, Л.Убайдуллаев .....	101
Наманаган вилояти саноат ривожининг устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш йўллари	
Т.Махмудов, Ф.Байбобоева .....	106
Сифатни ошириш тамойиллари ва босқичлари	
А.Қосимов, М.Мирхожаев, Ш.Ортиқов, А.Махмудов .....	111
Тижорат банклари аудитини ўтказишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланиб аудиторлик ҳисбот тузишни такомиллаштириш	
А.Мамажонов, И.Фозилжонов, Х.Шамшидинов .....	116

## **ИЖТИМОЙ ГУМАНИТАР**

### **ФАРГОНА ВОДИЙСИДА МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**O.Казаков, F.Мадияров, Л.Убайдуллаев.**

**Наманган мұхандислик-технология институти**

Фарғона водийсіда миллий ва халқаро туризмни ривожлантиришининг күплаб имкониятлари бор. Буюк ипак йүлини қайта тикланиши Фарғона водийсіда миллий ва халқаро туризмни ривожланишига олиб келади. Бунинг учун миллий туризмни бошқаришининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириши, моддий-техника базасини яхшилаш, туристларга хизмат күрсатиши сифатини ошириши маркетинг тамойиллари асосида ташкил этилиши тақозо этмоқда.

В данной статье рассматриваются вопросы и возможности развития национального и международного туризма в Ферганской долине, а возрождение Великого Шелкового пути способствует этому. Для осуществления этого необходимо совершенствование организационной структуры управления национальной индустрии туризма. На основе использования принципов маркетинга предлагается улучшение материально-технической базы, повышение качества и объемов предоставляемых услуг туристам

*This article discusses the issues and opportunities for the development of national and international tourism in the Fergana Valley, and the revival of the Great Silk Way contributes to this. To do this, the improvement of organizational structure of management of the national tourism industry. On the basis of use of marketing principles proposed to improve the material and technical base, improving the quality and volume of services provided to tourists*

Амалга оширилаётган кенг күламли иқтисодий ислоҳотлар иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник-технологик янгилаш шароитида республикамизда туризм соҳасини янада юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмокда.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш ва тараққий этиши, унинг жаҳон туризм бозорида ўз ўрнига эга бўлиши учун Республика Президенти НамМТИ ИТЖ 2016, №2

фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилиниб унинг ижросини таъминлаш учун туризмнинг замонавий инфратузилмаси шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzасида ўтган йили иктисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар изчил давом эттирилганлиги таъкидлаб ўтилди. 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иктисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатмоқда. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 54,5 фоизга етди. Жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилаётганлиги ушбу соҳанинг иктисодиёт ривожига таъсири нақадар катта эканлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг кўпгина худудлари Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хивада туризм жадал ривожланмоқда. Шу билан биргаликда баъзи бир худудларда жумладан, Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларида туризмнинг ривожланиши бирмунча суст амалга ошмоқда. Фарғона водийсининг вилоятларида туризмни ривожлантиришнинг кўплаб имкониятлари бор бўлишига қарамасдан улардан фойдаланиш даражаси паст бўлиб қолмоқда.

Буюк Ипак йўлини қайтадан тиклаш, халқаро туризмни ривожланишига олиб келади. Бунинг учун миллий туризмни бошқаришнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, моддий-техника базасини яхшилаш, туристларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш маркетинг тамойиллари асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон туристик захиралар борасида дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди ва тарихий маданий обидалар сони жиҳатидан дунё мамлакатлари ичиде биринчи ўнликка киради.

Буюк Ипак йўли жойлашган, асрлар давомида ўз давлат хазинасининг катта қисмини саёҳатчилар ва чет эллик савдогарлар ҳисобидан тўлдириб келган Фаргона водийси шаҳарлари бой тарихий маданий ўтмишга эга. Аммо, бугунги кунда туризмнинг ривожланиши ўзининг тўлиқ имкониятига етгани йўқ. Асосан туристлар Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошкент шаҳарларига ташриф буюришади. Мамлакатимиздаги 11 та шаҳар дунё миқёсидаги туристик шаҳарлар сифатида тан олинган. Тарихий маданий ёдгорликлар сони 2700 тадан ортиқ бўлиб, уларнинг атиги 200 тага яқинида сайёҳлар қабул қилинмоқда. Республикализнинг Андижон, Кўқон, Наманган шаҳарларида ҳам ўзига хос тарихий ёдгорликлар талайгина. Фаргона вилоятининг биргина Кўқон шахрида Худоёрхон ўрдаси, “Дахмайи шоҳон” Фарғонада “Ал-Фарғоний”, Андижонда “Бобир боғи” мажмуалари, Наманганда “Мулла Қирғиз” мадрасаси, “Ўнбир Ахмат” мажмуаси, Наманган, Чорток, Чуст, Косонсой ва бошқа туманларда қатор чет эллик туристлар зиёрат қиласиган ва қизиқтирадиган жойлар бор. Бундан ташқари, Фарғона водийси туристик салоҳиятининг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, водийда табиатдаги рельеф шакллари тоғ, текислик, чўл, адир, дашт кўринишлари мавжуд бўлиб, бу худудларда тоғ спортини, экотуризмни ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжуд. Шунингдек, кўшни мамлакат Қирғизистоннинг Ўш, Ўзган, Арслонбобдаги тарихий ёдгорликларни инобатга оладиган бўлсак, ҳамкорликда Фарғона водийсида туристик салоҳиятни янада кенгроқ ривожлантириш имкониятига эга бўламиз.

Қишлоқлар дам олиш масканлари (рекреация) ва туризмни ривожлантиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Сўлим ва соя-салқин, гўзал манзарали жойлар Фарғона водийсида кўплаб топилади. Хусусан, сой ва булоқлар бўйидаги қишлоқларда турли оромгоҳ ва сиҳатгоҳлар ташкил этиш ҳам қишлоқ жойларда маҳаллий, диний, агротуризм ва экотуризмни

ривожлантиришга олиб келади. Түрли хил қадамжолар, балиқмозор ёки чинорлар, ғор ва шар-шаралар, ажайиб төг ландшафтлари, миллий халқ үйинлари, маросим ва түйлари, таомлари ва либослари ҳам мұхым туристик аҳамиятга эга. Жумладан, агротуризм маҳаллий ва минтақавий иқтисодиётнинг ривожланишида асосий рол үйнайды. Фарғона водийсида рекреация имкониятлари анча кенг. Айниқса Наманган вилоятининг Чорток, Косонсой, Фарғона вилоятининг Олтиарик, Чимён бошқа қатор сиҳатгоҳлари катта аҳамиятга эга.

Рекреация билан туризм бир-бири билан яқындан боғлиқ; саёҳат қилиб дам олиш, ҳордиқ чиқариш ҳам, дам олиб туриб қисқа муддатли саёҳатлар қилиш ҳам кишига маънавий бойлиқ, хуш кайфият ва тани сиҳатлик бағишлайди. Фарғона водийсида маҳаллий ва халқаро туризмни ривожлантириш учун имкониятлар катта.

Бундай шароитлар Кўқон, Марғилон, Андижон, Наманган, ва бошқа шаҳарларда ҳам мавжуд. Шунингдек, республикамиз қишлоқ жойларида агротуризм ва экотуризмни кенг миқёсда ривожлантириш мумкин. Ажайиб төг ва чўл ландшафтлари, воҳа ва водийлар, кўплаб қадамжо ва зиёратгоҳлар, балиқ кўллар, чинорлар, ғорлар ва бошқа жонли ва жонсиз табиат мўъжизалари ҳар қандай сайёҳни бефарқ қолдирмайди.

Бизнинг фикримизча, туризм йўналишлари бўйича битта сайёҳга тўғри келадиган йўлланма нархи, хизматлар таркиби бунга асосий хизматлар: ташувни ташкил қилиш бўйича хизматлар; жойлаштириш; овқатланиш масалаларини ҳал қилиш лозим.

Кўшимча хизматлар бўйича: экскурсиялар ташкил қилиш; туристларни сугурталаш; гид, гид-таржимон хизматлари; туристларни ташиб бўйича хизматлар; валюта айирбошлиш; телефон; почта; майший хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.ларни инобатга олиш лозим.

Туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётида тез ривожланиб келаётган катта даромад келтирувчи соҳалардан бири ҳисобланади. Айниқса, кейинги йигирма НамМТИ ИТЖ 2016, №2

йил ичида глобаллашув жараёни, интернет тизими ва халқаро ахборот тизимининг такомиллашуви туризмни жадал ривожланишига олиб келиши билан бирга унинг халқаро миқёсдаги аҳамияти ошиб бормоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда халқаро туризм соҳасида 130 миллиондан ортиқ киши банд, ёки бу соҳада янги иш ўрнини яратиш саноат тармоғидагига нисбатан 20 баробар арzonлигини инобатга оладиган бўлсақ, Фарғона водийсида катта имкониятлар мавжуд. Бунинг учун куйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- туристик худудларни яратиш учун маркетинг тадқиқотларини олиб бориш;
- туристик бизнесни яратиш учун ахборот таъминоти ва реклама фаолиятини ривожлантириш;
- туристларга кўрсатиладиган меҳмонхона, транспорт хизматлари сифатини ошириш;
- дам олиш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- туристларнинг қизиқишлиари ва талаблари даражасида қўшимча хизматлар яратиш зарур;
- узоқ муддатли истиқболга йўналтирилган маркетинг дастурини ишлаб чиқиш;
- туристик хизматларга бўлган истеъмолчиларнинг мавжуд ва салоҳиятли талабини аниқлаш;
- туристларга хизмат кўрсатадиган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарур.

Юқоридагиларни инобатга олиб ушбу йўналишларни самарали тарзда амалга оширилиши натижаси Фарғона водийсида ва ундаги вилоятларда туризм хизматлар бозори ривожланишига олиб келади ҳамда аҳолини қўшимча иш ўринлари билан таъминлашга эришилади.